



Ўзбекистон Республикаси  
Қурилиш ва  
уй-жой коммунал  
хўжалиги вазирлиги.

№ 2442-4766-1e78-164e-aa57-6376-6023  
Хужжат яратилган сана: 2024-04-16  
Ариза рақами: 109804366

Хужжат берилган: "EVRO ASIA ENGINEERING"  
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT  
СТИР: 305561422

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси  
Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши ишчи  
органининг

2024-04-16 даги 109804366 -сонли

### ХУЛОСАСИ

т/р	Тақдим этиладиган маълумотлар	
1.	Ариза рақами:	109804366
2.	Мурожаат этувчи Лойиҳа ташкилотининг номи:	"EX-PRO DESIGN" Mas'uliyati cheklangan jamiyat
3.	Лойиҳа-смета ҳужжатларининг буюртмачиси номи:	"EVRO ASIA ENGINEERING" МЧЖ
4.	Объект манзили:	Миробод тумани, Банокатий МФЙ, Абдурауф Фитрат кўчаси, 159-уй
5.	Лойиҳа-смета ҳужжатларининг номланиши:	Ўз ер участкасида, наъмунавий бош режага мувофиқ кириш ва чиқиш йўлларини кўрсатиш ҳолат тарҳини ишлаб чиқиш, пастки қаватларида маиший хизмат кўрсатиш объекти жойлашган кўп квартирали турар жой сифатда ихтислаштириб қайта қуриш
6.	Архитектура-режалаштириш топшириғининг реквизитлари:	1726-1726273-101538

### Лойиҳани кўриб чиқиш натижаси

т/р	Категория	Натижа	Изоҳ
1.	Сўровноманинг тўғри тўлдирилганлиги:	Ижобий	
2.	Объект бош режасининг ечими тўғри топилганлиги:	Ижобий	
3.	Объектнинг меъморий ечими тўғри топилганлиги:	Ижобий	
4.	Лойиҳада автотураргоҳ масаласи ҳал этилганлиги:	Ижобий	
5.	Қурилиш чизиғига амал қилинганлиги:	Ижобий	

6.	Ситуацион планда аниқ кўрсатилганлиги:	Ижобий	
7.	Ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига амал қилинганлиги:	Ижобий	
8.	Лойиҳада имконияти чекланган шахсларнинг манфаатлари ҳисобга олинганлиги:	Ижобий	
9.	Лойиҳада энергиясамарадорлик талабларига амал қилинганлиги:	Ижобий	
10.	Лойиҳа ташкилоти лицензия орқали рухсат берилган соҳа доирасидан ташқари объектнинг лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги:	Ижобий	
11.	АРТ талабларидан четга чиқиш:	Ижобий	

### Алоқадор ташкилотларнинг хулосалари:

**Худудий ёнғинга қарши назорат хизмати:** Келишилган;

**Қўшимча маълумотлар:** "EX-PRO DESIGN" МЧЖга 23/28-46- сонли 17.01.2024 йил ЯИДХПдан 17.01.2024 йил кундаги 109804366-сонли Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш буйича аризасига Миробод тумани Фавқуллода вазиятлар бўлими томонидан, Миробод тумани, Абдурауф Фитрат кўчаси, 159-уйда жойлашган ўз ер участкасида, пастки қаватларида маиший хизмат кўрсатиш объекти жойлашган кўп квартирали турар жой сифатида ихтисослаштириб қайта қуриш бўйича "EX-PRO DESIGN" МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларининг архитектурага оид қисмини ваколат доирасида ўрганиб чиқилиб, қуйидагиларни маълум қилади. Амалдаги "Шахарсозлик норма ва қоидалари" ШНҚ 2.07.01-03\*, "Жамоат бинолари ва иншоатлари" ШНҚ 2.08.02-09, "Бино ва иншоатларининг ёнғин хавфсизлиги" ШНҚ 2.01.02-04 талабларига амал қилиниши, ШНҚ 1.03.01-16 "Корхона, бино ва иншоатларни капитал қурилиш, лойиҳа-смета ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқилиши, маъқулланиши ва тасдиқланиши тартиби" меъёрий ҳужжатининг 5.9-банди талабларига асосан ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатларини ёнғинбардошлилик ва зилзилабардошлилик бўйича экспертизадан ўтказилишини ҳамда "Шахарсозлик" Кодэкснинг 60 - моддаси асосида ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларини ФВБ хизматида кўриб чиқиш учун тақдим этиш шарти билан эътироз билдирмайди. Миробод туман ФВБ бошлиғи Ғ.Эшонов;

**Худудий санитария-эпидемиология хизмати:** Келишилган;

**Қўшимча маълумотлар:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги "Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 200-сон қарорининг 4-иловаси "Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича Давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти"га асосан, "my.gov.uz" ЯИДХПдан такрорий келиб тушган 17.01.2024 йилдаги 109804366-сонли, аввалги (16.01.2024 йилдаги 109614324-сонли) Миробод тумани, Банокатий МФЙ, А.Фитрат кўчаси, 159-уй манзилида "EURO ASIA ENGINEERING" МЧЖ томонидан Ўз ер участкасида, наъмунавий бош режага мувофиқ кириш ва чиқиш йўлларини кўрсатиш ҳолат тарҳини ишлаб чиқиш, пастки қаватларида маиший хизмат кўрсатиш объекти жойлашган кўп квартирали турар жой сифатда ихтисослаштириб қайта қуриш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларининг архитектурага оид қисмини хизмат ваколоти доирасида ўрганиб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилдаги «Аҳоли пунктлари худудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш» номли 0339-сонли санитария қоидалари ва меъёрларига асосан баландлиги 2-4 қаватдан юқори бўлган турар-жой биноларининг узун томонлари оралиғидаги масофа 25 метр, 9-қаватли турар-жой бинолари узун томонлари оралиғидаги масофа 40 метр ва ушбу биноларнинг яшаш хоналарида деразалари бўлган ён

томонлари учун 15 метрдан кам бўлмаган масофада жойлаштирилиши белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилдаги "Аҳоли турар ҳудудларини атмосфера хавосини муҳофаза қилиш тўғриси"даги 0350-17-сонли санитария қоидалари ва меъёрлари 2.23.3.Октава частота диапазонларида рухсат этилган товуш даражаси ва овоз босими даражаси ва турар-жой ҳудудида, турар-жой ва жамоат биноларида товуш даражалари, шунингдек тебранишлар Санитария қоидалари ва турар-жой бинолари учун дизайн меъёрларининг гигиеник меъёрлари билан нормаллаштирилади. Ўзбекистон иқлим шароити "СанПиН РУз Но 0331-16 ва КМК 2.01.08-96 "Шовқиндан ҳимоя қилиш". ШНҚ 2.07.01-03 21.1. Турар-жой бинолари, турар-жой ва жамоат, шунингдек саноат бинолари ўртасидаги масофалар қуёш нурунинг тушиши (инсоляция) ва ёритилганликни ҳисоблашлар асосида, асосий турар-жой бинолари ва хонадонлари ёнидаги ҳовлиларнинг кўриниши чегаралари, шунингдек ёнғинга қарши талабларга мувофиқ тарзда қабул қилиниши зарур (1-илова). Кўп хонадонли турар-жой уйлари учун узун томонлари ўртасидаги масофалар (хоналарнинг яққол кўринмаслик талабларидан келиб чиққан ҳолда) қуйидагича қабул қилиниши лозим: баландлиги 2-3 қават бўлган турар-жой уйлари учун - 15 м кам бўлмаган; 4-5 қаватлилар учун - 25-30 м кам бўлмаган; яшаш хоналарида деразалари бўлган ушбу биноларнинг узун томонлари ва ён томонлари учун - 10 м дан кам бўлмаган. 9 ва ундан кўпроқ қаватли бинолар учун узун томонлари ўртасидаги масофа - 40-45 м дан кам бўлмаган; яшаш хоналарида деразалари бўлган ушбу биноларнинг ён томонлари учун - 20-25 м дан кам бўлмаган. Изоҳ. Реконструкция ва бошқа мураккаб шаҳарсозлик шароитларда кўрсатилган масофалар инсоляция, ёритилганлик меъёрлари, ёнғинга қарши талабларга, шунингдек турар-жой хоналари (истикомат хоналари ва ошхоналари) деразаларидан яққол кўринмасликни таъминланишига риоя қилган ҳолда қисқартирилиши мумкин. 126\*. Банд. Турар-жой қурилмалари темир йўлдан, четки темир йўл ўқидан бошлаб, 100 м кенгликдаги санитария-ҳимоя зонаси билан ажратилиши керак. ҚМК 2.01.08-96 «Шовқиндан ҳимояланиш» талабларига мувофиқ махсус шовқиндан ҳимоя тадбирлари таъминланганда санитария-ҳимоя зонасининг эни кўпи билан 50 м га камайтирилиши мумкин. Сараловчи бекатлардан турар-жой қурилмаларигача масофалар юк айланиши, ташиладиган юкларнинг портлаш хавфи, шунингдек, йўл қўйиладиган шовқин ва вибрациялар даражасини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш асосида қабул қилинади. Темир йўлдан боғ участкаларигача бўлган санитария-ҳимоя зонасининг эни камида 50 м бўлиши керак. Шовқин, вибрациялар, электрмагнит майдон ва радиациядан ҳимоя қилиш бўлими. 320\* Банд. Турар-жой ва жамоат бинолари ҳамда уларга ёндош ҳудудлар учун йўл қўйиладиган шовқин даражалари «Турар-жой ва жамоат бинолари ва турар-жой қурилиши ҳудудида йўл қўйиладиган шовқиннинг санитария нормалари», шунингдек ҚМК 2.01.08-96 «Шовқиндан ҳимоя қилиш» бўйича олинади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақиқланмаган ва санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган қурилиш материалларидан фойдаланилиши шарт. Амалдаги ҚМК, шаҳарсозлик нормалари қоидалари, санитария қоидалари ва меъёрлари талабларини тўлиқ бажарилиши шарт билан, ўрнатилган тартибда меъёрий ҳужжатларга амал қилинган ҳолда тегишли ваколатли ташкилотлар томонидан ҳужжатлар қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилиши эътироз билдирмайди. СЭО ва ЖСҚ Тошкент шаҳар бошқармаси Миробод тумани бўлими мудир Д.Б.Ахмедова... ижр;Ж.Р.Жураев ;

**Бош архитектор:** O`zbekiston Respublikasi Qurilish Vazirligi;

